



№ 22

(680) 5.06.2025

www.ekogazeta.uz

@ekogazeta

Oila va

Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta

ТАВИАТ



5 ИЮНЬ –

Бутунжахон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

Нима учун бугун атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ масалаларнинг долзарблиги ошиб бормоқда? Қандай йирик лойиҳа, қанақа улкан келишув ҳақида сўз очилса, албатта, унинг экологик жиҳати ҳам кўриб чиқилишига сабаб нима?

Гап шундаки, атроф-муҳит, жўн айтганда, теварагимиздаги табиат фақат бизники эмас. Биз деганда, табиийки, ёши, жинси, миллати, ирқи, ижтимоий аҳволи, эътиқоди, касбу кори, мамлакати, бошқа кўплаб омиллари билан бир-биридан ажралиб турадиган, лекин барибир биттаю битта Она сайёрада истиқомат қилаётган бугунги авлод назарда тутилмоқда.

XX аср мислсиз техник ва технологик янгиликлари билан инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Аввалги авлодлар училишни, сув остида сузишни, инсон қадами етмаган жойларни забт этишни, бир-биридан олисда туриб ахборот алмашишни фақат орзу қилган бўлса, буларни амалга оширадиган техника воситалари XX аср одамлари

учун ҳеч кимни ажаблантирмайдиган оддий матоҳ бўлиб қолди.

Фан-техника тараққиёти инсониятнинг оғирини енгил, узоғини яқин, бир сўз билан айтганда, мушқулини осон қилди. Лекин, тан олиш керакки, башарият бошига оғир мусибатларни ҳам солди. Ҳарбий саноат фан-техника билан қадам-бақадам ривожланма-

ганда эди, икки мудҳиш жаҳон уруши бўлмасди, эҳтимол. Шу икки улкан фожианинг ўзи тараққиётнинг инсон зоти кўтара олмайдиган оғир юки ҳам бўлишини кўрсатиб қўйди.

→ 3-бет

Давлат бюджети

ИЖРОСИ

Мамлакат хазинасидан қанча маблағ аҳоли учун қулай экологик муҳит яратишга сарфланмоқда?

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

→ 2-бет

Темир дарахт хавф остида қолмоқда

→ 7-бет



» Ёшлар парламенти: ЭКОЛОГИЯ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР



DAVR NAFASI

«Яшил»
иқтисодиётга
йўлоиладан
бошланадиБобур МИРЗАЕВ,
ЎЭП фаоли

Бугунги кун дунёсида инсон ҳаётининг барча жабҳалари табиат ва унинг ресурслари билан узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда. Глобал исиш, чўланиш, ер деградацияси, биологик хилма-хилликнинг камайиши каби экологик муаммолар инсоният олдида кечиктириб бўлмас вазифаларни қўймоқда. Ана шундай шароитда «яшил» иқтисодиёт концепцияси барча давлатлар ва жамиятлар диққат марказига чиқди.

Бу концепция иқтисодий фаолиятни табиатга зарар етказмасдан олиб бориш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ўз ичига олади. Лекин яшил иқтисодиёт бу фақатгина давлат сиёсати ёки иқтисодий стратегия эмас – у инсон онги, ҳаёт тарзи ва жамият маданиятидаги чуқур ўзгаришлардир.

Яшил иқтисодиёт сари ҳаракат ҳар бир оиладан, ҳар бир фуқародан бошланади. Агар болага ёшлигиданок табиатга эҳтиром, сув ва энергиядан тежамли фойдаланиш, исрофга йўл қўймаслик каби одатлар сингдирилса, у келажақда ҳам шу муносабатни сақлаб қолади. Кичкина кўринадиган, аммо ҳаётимизда жуда катта аҳамиятга эга бўлган оддий ҳаракатлар орқали улкан ўзгаришларга эришиш мумкин. Масалан, жўракни кераксиз очиқ қолдирмаслик, чироқни вақтли ўчириш, чиқиндиларни саралаш, пластик идишлардан воз кечиш, қайта ишланадиган маҳсулотларни танлаш – буларнинг барчаси ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ҳам ўзимиз ва фарзандларимиз учун соғлом муҳит яратишга хизмат қилади.

Экологик тарбия – ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги муҳим бурчдир. Болаларга гул экиш, дарахт парваришлаш, табиатни асрашнинг амалий кўринишларини кўрсатиш, уларни шунга жалб этиш орқали экологик маданият онгининг бир қисмига айланади.

Агар бола ёшлигидан табиатни қадрлашни ўрганса, у нафақат масъулиятли фуқаро, балки келажак авлод учун ҳам муносиб мерос қолдиради. Бундан ташқари, маҳалла, жамоа ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги ҳамкорлик, аҳолини экоакцияларга жалб этиш, оммавий ахборот воситалари орқали эко-маърифий тарғиботни кучайтириш каби чоралар ҳам экологик онгни кенгайтиришда муҳим ўрин тутди.

Маҳаллий бизнес ва тадбиркорлар ҳам «яшил» иқтисодиёт йўлидаги ҳаракатда фаол иштирок этиши керак. Чиқиндиларни камайитириш, эко-тоза технологияларни жорий этиш, энергия тежовчи ускуналардан фойдаланиш – булар нафақат табиатни муҳофаза қилади, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, корхона обрўсини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш орқали транспорт чиқиндилари камайд, ички бозор ривожланади ва жамоавий фаровонлик таъминланади.

Албатта, экологик маданиятни шакллантиришда айрим тўсиқлар бор: маълумот етишмаслиги, инфратузилманинг камлиги, эко-технологияларнинг қимматлиги. Бироқ бу муаммолар имкониятлар сони олдида жуда ҳам кам. Ҳозирги кунда энергия тежовчи қурилмалар оммалашмоқда, қайта тикланувчи манбаларга ўтиш имкониятлари кенгаймоқда, халқаро молиявий институтлар томонидан эко-лойиҳаларга маблағ ажратилаётир. Энг муҳими – инсон онгида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, экологик масъулият кучаймоқда.

«Яшил» иқтисодиёт сари ҳаракат бугундан бошланиши керак. Ҳар бир экилган дарахт, ҳар бир тежалган литр сув, ҳар бир чиқиндисиз кун – барқарор келажак сари қўйилган улкан қадамдир. Бу йўлда оила ҳам, таълим ҳам, бизнес ҳам, жамоат ҳамкорлиги ҳам ўз ўрнига эга. Табиати соғлом халқнинг келажаги ҳам соғлом бўлади. Шу боис, биз бугун табиатни асрасак, эртага у биз ва фарзандларимизни асрайди.

Давлат
бюджети

ИЖРОСИ

Мамлакат хазинасидан қанча маблағ аҳоли учун қулай экологик муҳит яратишга сарфланмоқда?

← 1-бет

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров ушбу масала юзасидан депутатлар эътиборига ҳисобот тақдим этди.

Аввало, ушбу масала Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди. Фракция аъзолари томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, чиқиндиларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш, Оройбўйи ҳудудида экологик ҳолатни яхшилаш, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар ва янги самарали услубларни қўллаш ҳисобида ер унумдорлиги ҳамда унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан ажратилган маблағларнинг натижадорлигига эътибор қаратдилар.

Таъкидланганидек, 2024 йилда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун давлат бюджетидан 6,2 трлн сўмга яқин маблағ йўналтирилган.

Мазкур маблағлар ичимлик ва оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлашга, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига, сув тежовчи технологияларни жорий қилишга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадас-трларини юритиш билан боғлиқ харажатларга, Оройбўйида

амалга оширилаётган экологик тадбирларга сарфланган.

Ўтган йилда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатлар учун 100 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 52 млрд сўми «Менинг боғим» лойиҳасига йўналтирилган.

Шунингдек, 2024 йилда 1 минг 887 гектар ҳимоя ўрмонларини (*иҳота*) барпо этиш ишлари амалга оширилган.

Йиғилишда қайд этилишича жорий йилнинг биринчи чорагида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун давлат бюджетидан 913,1 млрд сўм маблағ йўналтирилган. Ҳисобот даврида Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида 124,5 минг гектар, тоғолди ва бошқа ҳудудларда 1,5 минг гектар майдонида ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш тадбирлари бажарилган.

Шу билан бирга, ўрмон тадбирлари учун 700 тонна чўл ва бошқа турдаги ўсимликлар уруғлари тайёрланган. Хўжаликларда 487 гектар ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилган. Чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларида чўланиш ва қум кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида 257 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари (*иҳота*) барпо этилган.

Экопартия депутатлари томонидан партия дастурий мақсад ва вазифалари, электротар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Оройбўйи ҳудудида амалга оширилаётган экологик тадбирларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатларни, чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш учун ажратилган маблағларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ўзлаштириш, улардан оқилона фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.



» Pan Gi Mun O'zbekiston bilan
hamkorlik barqaror **«yashil» kelajak
uchun xizmat qilishini ta'kidladi.**

» 5 июнь - Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

Табиатни асраш

Ватан ҳимояси
демакдир!

» 1-бет

Ўтган юз йиллик «техника асри» саналган бўлса, XXI аср «ахборот асри» деб аталди. Бунинг ортиқча изоҳга ҳожати йўқ. Инсон ўтирган жойида юзлаб, минглаб вазибаларни бажаришга қодир бўлиб қолганининг ўзини, ҳатто сайёрамизни ўз ўқидан чиқариб юборишга қурби етишини мисол келтириш кифоя.

Иккониятлар кенгайгани, ҳаёт ташвишларининг ечимлари соддалашиб кетгани – жуда яхши. Лекин инсоният яна тараққиётнинг терс томони – ўзи кўтара олмайдиған жихати билан юзма-юз келмоқда. Бизнинг, аҳли башарнинг «илмий-илғор фаоллигимиз» Она табиатда мувозанатни издан чиқаряпти. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, биргина Орол фожиаси бошимизга қанча қулфатлар солаётганини таъкидлашининг ўзи етарли.

Муаммога жаҳон миқёсида назар солганда эса, «бугунги илғор инсон тафаккури» ҳам унинг кўламини тўлиқ идрок этишга ожизлик қилиши кўринади. Башарият кислороднинг асосий манбаи бўлган уммонларни пластик билан булғаб бўлди, «илғор» саноатимиз туфайли икки қутбда музликлар ҳажмини қисқариб юборяпти, ўрмонларни аёвсиз кесиб, чўл зоналарини кенгайтиряпмиз, «Қизил китоб»ни чиқардик-у ундаги ноёб жонворларни қиришдан тўхтамайпмиз, тупроқ остида ёнадиған нима бўлса, ҳаммасини қазиб олиб ёқаяпмиз, катта-катта урушлар ҳам айнан шунинг учун бўляпти...

НИМАСИНИ, ҚАЙ БИРИНИ АЙТАСИЗ?!

Шукрки, илғорлик ҳаммани чалғитиб қўяётгани йўқ. Атроф-муҳит муҳофазаси ўтган асрнинг яримларидан бошлаб кун тартибидан тушмай келмоқда. Бутун ўзини соғлом демократик давлат, чин маънода фуқаролик жамияти деб билган ҳар қандай мамлакатда «яшил партиялар», «яшил ҳаракатлар» тузилган ва ҳаммаси экологик маданиятни юксалтириш ва атроф-муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда.

Негаки, моҳиятан табиатдаги мавжуд нарсалар, биринчи навбатда, сув ва ҳаво – бутун инсониятники. Қайси ё қандай мамлакатда яшамайлик, Она сайёрамизга биз ҳаммамиз бир вақтда бирдек эга ҳисобланамиз.

БУ – БИР ЖИХАТ, ХОЛОС

Иккинчи муҳим жиҳат шуки, юқорида таъкидланганидек, табиат фақат бизники – бугун яшайётган авлодниқки эмас! У келажакка ҳам қолиши керак. Инсоният қирилиб кетиш ё бошқа сайёрага кўчиш арафасида тургани йўқки, бошбошдоқлик билан ҳамманинг умумий уйи бўлмиш Ерни хароб қилса. У эртанги авлодга ҳам соғлом ҳолида қолдирилиши керак.

«Яшил партиялар»нинг саъй-ҳаракатларидан кўзланган бош мақсад шу. Бунинг негизда табиат билан ҳамжиҳатлиқда яшаш мужассам. Инсоният иқтисодий ва ижтимоий тараққий этар экан, бу жараёнда экологик омилларни инобатга олиши шарт.

Атроф-муҳит муҳофазаси деганда, нималар назарда тутилади ўзи? Бу – зарарли газларни камайтириш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш, биологик хилма-хиллиқни сақлаш, табиат озодалигини асраш, ресурслардан унумли фойдаланишни йўлга қўйишдир. Мана шу вазибалар орқали «яшил ҳаракатлар» жамиятларни ижтимоий адолат, тенглик сари етаклайди. Мисол учун, пулдор одамлар гектар-гектар ерларни ўзлаштириб олиб, у ердаги табиатни мувозанатдан чиқарадиған бўлса, бундай ҳолатларга (*дарахт-кесарлар ва браконьерларга*) қарши курашади, кимдир ёз жазирамасида шунчаки ҳузур учун ҳовлисидаги бетон майдонни соатлаб «суғорадиған» бўлса, (*ресурсни исроф қилувчига*) тегишли чора кўришга интилади. Мухтасар айтганда, «яшил ҳаракатлар» табиатга зарар етказмайдиган, ижтимоий адолатни сақлайдиған, экологик маданият юксалишига хизмат қиладиган тараққиёт тарафдори бўлган инсонлар жамоасидир.

«Венера лойиҳаси» таъсисчиси Жак Фреско бундай деган эди: «*Ижтимоий онг ва экология муаммолари учун қайғуришдан айро бўлган илм-фан ва таълимдан маъно йўқ*». Бу жумла замирида айна ҳақиқат ётади. Негаки, тараққиёт ҳар қанча юксалмасин, табиатнинг «ғамдан озода» бўлишини инобатга олмаса, эрта бир кун таназзулга учрайди. Мисол учун, яна Орол муаммосини оладиган бўлсак, бир маҳаллар пахтада «улкан марралар билан шарафланиш» учун денгизга борадиған сув йўллари шафқатсизларча бўғиб қўйилди. Жабрини бугунги авлод тортмоқда. Ўша шўрлаган, кимёвий моддалар билан заҳарланган ерда бугун майса унмайди, жонзот яшамайди.

Аслида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун табиатга меҳр қўйиш керак. Бунинг учун эса, инсон бошқа мавжудотлар каби табиатдан яралганини, унинг ажралмас бўлаги эканини идрок эта билиш зарур. Бир аср аввал словак шоири Гвездослав Павол айтганди: «*Гулни узиб олгандим, сўлиб қолди, капалак тутгандим, кафтимда нобуд бўлди, шундагина гўзалликка фақат қалб билан тегиниш мумкинлигини тушуниб етдим*». Табиатга озор бермаслик учун унинг нафосати ва назокатини ҳам кўра олиш керак экан-да.

Ваҳоланки, бугунги авлод атроф-муҳитни шу даражада ўзгартириб юбордики, энди бундай муҳитда яшаб қолиш учун ўзини ўзгартиришга мажбур бўляпти. Ҳозирги кунда ички ёнув двигатели билан ҳаракатланадиған транспорт воситалари истифодасини қисқартириш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, яшил маконлар ва биологик хилма-хиллиқни асраш каби масалалар тез-тез тилга олинаётгани ҳам шундан. Бу бежиз эмас. Дейлик, битта жамоат транспорти юз кишини манзилига етказиб қўйса, қанча ёқилғи сарфлайди-ю шу юз кишининг ҳар бири ўз автомобилида кўзлаган жойига борса, қанча бензин ё газ ёқади?! Бу нисбатни англаш учун математик бўлиш шарт эмас. Лекин жамоат транспортидан ўз машинасини афзал кўрадиғанлар афсуски ҳали жуда кўп.

ЎЗИМИЗДАН ҚИЁС ҚИЛАЙЛИК

Машиналаримиз «торайиб кетди» – илғари уч-тўрт киши биргалашиб борадиған жойларга бугун якка-якка боряпмиз. Ёзининг жазирамасида «салқин бўлиб турсин» учун ҳеч ким йўқ жойларда ҳам кондиционерни ўчирмаймиз. Сувнинг жилдирашини ёқтирамыз, шунинг учун дарахт ва майсаларга қўшиб, асфальтга ҳам, деворга ҳам сув пуркаймиз. Ишхонамизда кундуз куни чироқ ёқиб ўтирамыз. Хуллас, маиший ҳаётдаги нуқсонларимизнинг ўзини санайверсак, адо этиб бўлмайди.

Озодаликка келсак, машҳур физик, географ, ландшафтшунос, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мутахассис Давид Арманд «*Табиат меҳмони бўлган пайтларингиз меҳмондорчилик чоғида одобсизлик саналадиған бирор ишга қўл ура кўрманг*» деган доно гапни кўп такрорлар эди. Лекин табиат қўйнига чиқадиған бўлса, албатта, уни булғаб қайтадиғанлар ҳали ҳам бор. Дарё-сойларимизнинг

соҳиллари, тоғу адирларимиз этақлари, уларга олиб борадиған йўллар ёқалари аиниқса ёз ойларида қай аҳволга тушишини кўпчилик яхши билади.

Бундай тоифа инсонларга «табиат уйингдан ташқарида бўлса ҳам уйингдек гап, бу ердаги озодалиқни увол қилганинг учун эртага авлодларинг ўзингга ҳайф айтади (*агар лаънат айтмаса*)» деб дўқ уришдан наф йўқ. Муаммони бартараф этиш жамиятда экологик маданиятни ёппасига юксалтиришни тақозо этади.

Лекин бу ўринда бир нозик жиҳат бор. Вазифа фақат экологик маданият жабҳаси жонкуярларининг зиммасида эмас. Унга ҳамма бош қўшиши керак. Ота-она – фарзандга, оқсоқол – маҳалла аҳлига, меҳнат жамоаси мутасаддиси – касбдошларга, ҳамма – ҳаммага бонг урсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Акс ҳолда, атоқли рус шоири Роберт Рождественский ифодалаған мана бу ўкинчли манзарага бориб қолиш ҳеч гап эмас: «*Қушсиз ўрмонлар, сувсиз ерлар – атрофда табиат камайиб бормоқда, атрофда муҳит кўпайиб бормоқда*». Яъни, атроф-муҳит деганда, тевағаримизда табиатни эмас, фақат бузилган муҳитни кўрмаслигимиз учун бирварақайига ҳаракат қилишимиз лозим.

Бу бутун инсониятга тегишли масала. Ҳинд диёрининг энг машҳур сиёсат ва жамоат арбоби Маҳатма Ганди айтганидек, «*Экологияда икки бўлим бор: биологик экология ҳамда маданият ва ахлоқ экологияси. Биологик экология шартлариға риоя қилмаслик инсонни биологик ҳалокатга олиб боради, маданият ва ахлоқ экологияси шартлариға риоя қилмаслик эса уни маънан ҳалок этади. Табиат билан маданият бир-бирига қанчалар чамбарчас боғлиқ бўлса, бу икки экология ҳам бир-биридан ажралмасдир*».

Биобарин, экология масалалари алоҳида шахслар ё гуруҳ ва ҳаракатлар эмас, барчага бирдек тааллуқли вазибалардан иборат экан. Бу эса, барча жамиятлар, улардаги ҳамма инсонлар бир ёқадан бош чиқариб, жипс ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши лозимлигини кўрсатади. Экологлар табиатни асрамоқни Ватанни муҳофаза қилмоқ билан тенг кўради. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни ҳамма яхши англаб, теран идрок этиб, шу асосда ҳаёт кечирса, ватанлар обод бўла бориб, бутун сайёра озода бўлади.

Музайяна МАШРАБХОН



Моҳинур
ЭРГАШ,
Ёшлар парламенти
аъзоси:

» – Ёшлар парламентидаги фаолиятим орқали мен кўпроқ экология ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга урғу бермоқчиман. Барқарор ривожланиш мақсадлари орасида, аиниқса, қашшоқлик ва очлиқни туғатиш муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда кўп оила қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади, лекин сув ва ресурслар танқислиги уларнинг самарадорлигини пасайтиради. Шу сабабли, сув ресурсларини сақлаш ва уни оқилона тақсимлаш, экин майдонларини самарали қўллаш учун биз, Экологик партия ёшлари парламентида долзарб муаммони кўтармоқдамиз. Ёшлар ўзларининг шижоати, креатив фикрлари билан мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожига, демократик тамойиллар мустаҳкамланишига муносиб ҳиса қўйишлари керак. Бу фаоллик нафақат ижтимоий барқарорлик, балки иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилади.





Одамлар эътиборидаги муаммолар

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорларни қийнаб келатган муаммоларни ҳал этиш борасида секторлар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини таҳлилий ўрганмоқда.

Ўзбекистон Экологик партиясидан парламент қуёи палатаси депутатлари шу билан бирга жойлардаги экологик ҳолат, халқимиз учун тоза атроф-муҳит ва соғлом ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишди. Тадбиркорлик субъектлари, аҳоли вакиллари билан учрашиб, партия сайловолди дастурида қўйилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратди.



Йирик лойиҳаларда экологик талаблар бажариляптими?

Ишчи гуруҳ Ховос туманидаги «Истироҳат боғи ва коворкинг маркази» қурилиши билан ҳам танишди. Олти гектар майдонда қурилаётган ушбу марказда ҳозирга қадар 2 310 тупдан ортиқ манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилган. Янги суғориш тизими қурилмоқда, ирригация лотоклари тўлиқ ўрнатилди.

Ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган ўрганишда қурилиш ва лойиҳаларнинг экологик талабларга мослиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва фуқаролар учун қулай шаклда бўлишига эътибор қаратилди.

Фракция раҳбари Абдушукур Ҳамзаев марказдаги айрим камчиликларни айтиб ўтди. Жумладан, шўрланиш муаммоси ҳисобга олинмагани оқибатида айрим дарахт кўчатлари нобуд бўлган. Бу эса ернинг агротехник ҳолатини чуқур таҳлил қилмасдан дарахт экилгани туфайли эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, «Истироҳат боғи» учун шунчаки дарахт экиш эмас, балки шўрга чидамли, маҳаллий шароитга мос манзарали турлардан фойдаланиш кераклиги бўйича тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари бу каби лойиҳалар Сирдарё вилоятининг экологик ва ижтимоий муҳитини яхшилаш, шаҳарсозлик маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Экопартия депутатлари бу каби йирик лойиҳаларда экологик талабларнинг қатъий бажарилиши, маҳаллий шароитга мос ободонлаштириш ечимларининг танланиши ва жамоатчилик фикрининг инobatга олиниши энг муҳим тамойил бўлиши кераклигини таъкидлашди.

«Шарқобод» маҳалласида 35 та хонадон тўлиқ қуёш энергиясидан фойдаланмоқда

Юртимизда энергоресурсларни тежаш, бунда муқобил энергия манбаларидан кенг фойданиш бўйича кенг кўламдаги ислохотлар олиб борилмоқда. Қайта тикланадиган энергиянинг ушбу туридан йил давомида кенг фойдаланиш мумкин ва бу амалда ўз исботини топмоқда.

Сирдарё вилоятида ўрганишлар олиб бораётган ЎЭП фракцияси раҳбари бошчилигидаги ишчи гуруҳ Ховос туманидаги «Шарқобод» маҳалласида бўлиб, бу ердаги хонадонларга ўрнатилган қуёш панеллари, «яшил» энергиядан фойдаланиш даражасини ўрганди.

Маҳалладаги 35 та хонадонда қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, 5 кВт, 10 кВт ва 20 кВт қувватдаги панеллардан фойдаланилмоқда. Уларнинг умумий қуввати 193 кВт бўлиб, ушбу панеллар ёрдамида, 5 кВт қувватлисида ойига ўртача 750 минг сўмлик, 10 кВт қувватдагисидан 1,5 миллион сўмлик, 20 кВт ҳажмисидан эса 3,5 миллион сўмликча электр энергияси олинди. «Худудий электр тармоқлари» АЖ орқали давлатга сотилмоқда. Бу эса нафақат маҳаллий аҳолини қўшимча даромад билан таъминламоқда, балки энергия танқислигини камайти-

ришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Депутат Абдушукур Ҳамзаев ва ишчи гуруҳ аъзолари қуёш панеллари ўрнатилган хонадон эгаларидан бири билан суҳбатлашди. Хонадон эгаси қуёш панелларининг фойдаси, уларнинг техник ишончилиги ва энергия тежаш борасидаги афзалликларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Унга кўра, дастлабки инвестиция 2-3 йил ичида ўзини тўлиқ оқлайди, шунингдек, ҳаво ифлосланишини камайтиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

– Маҳаллага кираверишда йўл бўйларига экилган манзарали дарахт ва буталар, ям-яшил манзара бу гўшанинг ободлигидан дарак бериб турибди, — дейди **Абдушукур Ҳамзаев**. – Аҳолининг ўз яшаш ҳудудига бўлган меҳр-муҳаббати, ташаббускорлиги, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига қўшган ҳиссасини кўриб, бу маҳаллада чинакам табиатсевар инсонлар яшаётганига амин бўлдик.

«Шарқобод» маҳалласида аҳоли томонидан амалга оширилаётган бундай ташаббуслар экологик барқарорлик, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ва яшил иқтисодиёт сари дадил қадам бўлиб хизмат қилмоқда. Экологик партия томонидан бундай амалий тажрибалар бошқа ҳудудлар учун ҳам ибрат сифатида тарғиб этилиши мақсад қилинди.



Ишлаб чиқаришингиз ЭКОЛОГИК хавфсизми?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЭП фракцияси раҳбари **Абдушукур Ҳамзаев** бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида ўрганиш олиб бориб, турли соҳа вакиллари, аҳоли билан яқиндан мулоқот қилди.

Аввало қабул қилинган қонунлар ижроси, 2025 йилги Давлат дастурида белгиланган экологик йўналишдаги вазифаларнинг бажарилиши ҳамда ҳудудда экологик барқарорликка эришиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳолати ўрганилди.

Партия раҳбари, депутат Абдушукур Ҳамзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг дастлабки манзили «Энерсок» масъулияти чекланган жамияти бўлди. Бу ерда улар корхона негизда барпо этилаётган 1573 МВт қувватга эга «Сирдарё-2» буғ-газ электр станцияси қурилиши лойиҳаси билан танишдилар. Лойиҳа доирасида атроф-муҳитга таъсирни минималлаштириш ва экологик хавфсизлик чораларини кучайтириш зарурлиги қайд этилиб, масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Депутатлар Ширин шаҳри ва Боёвут тумани ҳудудидаги қиймати 1,1 млрд доллар, қуввати 1500 МВт бўлган замонавий иссиқлик электр станцияси фаолиятини ҳам кўздан кечирдилар.

Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси томонидан қурилган ушбу электр станцияси тўлиқ қувватда фаолият юритмоқда. Мазкур лойиҳа минтақанинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш, саноат салоҳиятини ошириш ва барқарор электр таъминотини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этапти.

Иссиқлик электр станцияси энг янги технологиялар асосида барпо этилган бўлиб, тежамкорлик ва экологик хавфсизлик жиҳатидан замонавий халқаро стандартларга тўла мос келади. Станциянинг ишга туширилиши орқали юзлаб иш ўринлари яратилган.

Ширин энергетика коллежида «ACWA Power» компанияси буюртмасига биноан малакали кадрлар тайёрланади. Таълим жараёнлари замонавий технологиялар асосида ташкил этилган бўлиб, математика, физика, кимё, информатика ва инглиз тили фанлари халқаро дастурлар асосида чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилмоқда.

Учрашувлар давомида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан «яшил» технологиялардан самарали фойдаланиш, электр станцияси атрофида «яшил» белбоғларни барпо этиш юзасидан тегишли таклиф-тавсиялар берилди.



масалалар ўрганилмоқда, ҳал этилмоқда

Боғларни суғоришдаги янги тажриба



Депутатлик ўрганишлари юртимизнинг барча ҳудудларида қизгин тус олиб, Андижон вилояти ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Азизбек Акбаров** Андижон вилоятидаги ўрганишлари давомида булоқбошилиқ табиат шайдоси, заҳматкаш инсон, агроном Ойбек Ботировнинг тажриба даласида бўлди.

Юртдошимиз бир неча йилдирки, ўсимлик дунёсини сув билан таъминлаш қийин бўлган адир, тоғли ва чўл ҳудудларига дарахт экиш, уларни парваришлаш бўйича тажрибалар ўтказиб келади. Натижа ёмон эмас. Агроном бу ишларни оддий технологиялар ёрдамида амалга ошириш тарафдори.

Депутат Азизбек Акбаров Ойбек Ботировнинг Янги Андижон шаҳарчасининг адирлик қисмида бунёд этган мўъжаз боғида бўлиб, ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

– Агар менга Олий таълим, фан ва инновациялар ваазирлиги имконият яратиб берса, мана шу тажрибаларимни кенгроқ масштабда олиб боришим учун қўшимча ер майдони ажратилиб берилса, бу ишларни бошқа ҳудудларда ҳам олиб борган бўлардим. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизнинг яшиллик даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, юртимизда кам харажатли боғлар барпо этилишига катта ёрдам бўлар эди, – дейди Ойбек Ботиров.

Апельсиннинг «укаси»дан келаётган даромад

Бугунги кунда юртимизда аҳоли даромадини ошириш масаласи бўйича катта имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Аммо кимдир бундан унумли фойдаланяпти, яна кимдир эса афсуски боқимандалик кайфиятидан чиқиб кетолмаяпти.

Самарқанд тумани Ражабамин маҳалласида истиқомат қилувчи Шариповлар оиласи ҳам давлат томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўзларининг доимий оилавий даромадига эга бўлишган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ботирали Шодиев аҳолининг оилавий даромадини ошириш учун томорқа ер майдонларидан фойдаланиш масалалари билан танишиш мақсадида Самарқанд тумани Ражабамин маҳалласидаги Шариповлар хонадонига бўлди. Депутат омилкор деҳқон яратган иссиқхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўй соҳибасининг маълумотига кўра, 4 сотих иссиқхонада лимон, мандарин ҳамда бизнинг иқлим шароитида кам учрайдиган грейпфут – апельсиннинг «укаси» етиштирилмоқда. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида, помидор, бодринг, қулупнай ва бошқа хилдаги экинлардан ҳам йил давомида ҳосил олиш йўлга қўйилган. Бу эса оиланинг фаровонлигини таъминламоқда.



Чиқинди муаммоси

бўйича мутасаддиларга
таклиф



Бугунги кунда чиндилар ва уларни ташиш масаласи нафақат юртимиздаги, балки бутун дунё миқёсдаги оғриқли ва айни дамда долзарб муаммолардан биридир. У ҳақида қанча кўп гапирилса, шунча оз. Қанча кўп амалий ҳаракатлар орқали чора кўрилса, шунча экологик вазият учун фойда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Экологик партияси депутатлари томонидан чиқинди масалалари бўйича мунтазам ўрганишлар олиб борилади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида чиқиндиларни олиб кетиш билан шуғулланувчи «Раҳнамо сервис» масъулияти чекланган жамиятининг иш фаолияти ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Моҳира Ходжаева томонидан шу мақсадда ўрганилди.

Ўрганиш давомида туманининг айрим ҳудудларида чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиш билан боғлиқ муаммолар борлиги қайд этилди.

Ўз навбатида жамият раҳбарияти томонидан Бўстонлиқ туманининг вилоятдаги бошқа туманларга нисбатан катталиги ва чиқинди полигонининг узокда жойлашгани сабаб ушбу муаммолар юзага келаётгани ва буларни ҳал этишда амалий ёрдам сўралди.

Депутат томонидан ушбу масалани ҳал этиш бўйича тегишли мутасаддиларга таклиф киритиладиган бўлди.



Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш – барқарор экологик ечим

Тиббий хизматда электрон тизимларга ўтиш – нафақат иш самарадорлигини оширади, балки қоғозбозлиқни камайтиради, шу орқали табиат муҳофазасига ҳам ҳисса қўшади. Шу жиҳатдан, экологик ёндашув асосида иш олиб борилаётган тиббиёт муассасалари депутатлар диққат марказида бўлмоқда.

ЎЭП фракцияси аъзолари, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ойбек Раҳимов ва Бахтиёр Пўлатовлар** Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Шакаркент маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ижтимоий дорихона фаолияти билан танишдилар.

Ўрганиш давомида туман аҳолисига хизмат кўрсатаётган 18 та тиббиёт муассасаси, жумладан, марказий шифохона, диспансерлар, оилавий поликлиникалар ва маҳалла тиббиёт пунктлари фаолияти кўриб чиқилди. Электрон тизимларга босқичма-босқич ўтиш орқали нафақат тиббий хизматнинг шаффофлиги, балки экологик самарадорликка эришиш мумкинлиги таъкидланди.

Тиббий хизмат сифатидан

аҳоли қониқяптими?



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўзбек Юсупов Пахтаобод туманидаги 48-оилавий поликлиника фаолияти билан танишар экан, мутасаддилар эътиборига мазкур саволни қўйди.

Тиббий хизмат – инсон ҳаёти ва саломатлигини таъминлашда энг муҳим бўғин ҳисобланади. Мазкур тизимни янгилаш, уни халққа яқин ва самарали қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Депутат аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби, унинг ташкилий жиҳатлари ва амалдаги ҳолати юзасидан тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

Маълум бўлишича, мазкур поликлиника 14 778 нафар аҳоли, жумладан 3 250 та оилага хизмат кўрсатади. Рақамлаштириш жараёнлари давом эттирилаётган бўлса-да, компьютер жамланмаси етишмаслиги каби инфратузилма муаммолари мавжудлиги қайд этилди.

– Қишлоқ жойлардаги таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари бугунги кунда айниқса мураккаб ҳолатда.

Ҳар бир бола, ҳар бир ёш учун сифатли таълим ҳамда қулай тиббий хизматни таъминлаш ҳам жуда долзарб. Ёшлар парламенти аъзоси сифатида айни шу муаммолар ечимига жамоатчилик эътиборини кўпроқ қаратмоқчиман. Ўз ҳудудимдаги ёшларнинг фикрлари ва эҳтиёжларини парламент минбарига олиб чиқишга ҳаракат қиламан.

Парламентдаги иштирокимиз маҳаллий муаммоларни очiq муҳокама қилиш, тегишли қарорлар қабул қилиниши учун имконият яратади. Биз фақат ўзимиз учун эмас, келажак авлод учун ҳам яхши шароитлар яратиш йўлида биргаликда ҳаракат қиламиз.



Ҳабибахон
ХИДОЯТОВА,
Ёшлар парламенти
аъзоси:

OG'RIQLI NUQTA

Баъзи ёши катта ёки ёшлигидан исроф нима-лигини билиб ўсган ёшлар нон ва овқат чиқиндиларини, пўчоқларни шу яқинимиздаги чорваси бор хонадонлар дарвозаси олдида қолдиришади. Ва хонадон аҳли бундан фақатгина хурсанд бўлади. Аммо чиқиндига улоқтирилаётган озиқ-овқатлар муаммосини биргина шу йўл билан ҳал қилиб бўлмайди-да...

Ҳа, бугунги замонда ҳар куни миллионлаб одамлар очликдан азият чекаётган бир пайтда, бошқа бир гуруҳ инсонлар юзлаб килограмм овқатларни чиқиндилар кутисига ташламоқда. Бу нафақат ахлоқий – бу глобал иқтисодий, экологик ва ижтимоий муаммога айланди бугун. БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP)

Кўпқават-ли уйимиз яқинидаги чиқинди ташлаш жойидаги ҳар куни кўзим тушадиган бир манзара таъбимни хира қилади. Ерда сочилиб ётган нонлар, овқатлар... Жудаям нохуш ҳолат, шундай эмасми?! Афсуски, бу фаровонлик белгиси эмас. Аксинча, бу бизни камбағаллик томон бошлайди. Ана шу озиқ-овқатларга сарфланаётган ресурслар етишмовчилигига, иқтисодий инқирозларга олиб келади.

Чиқиндига чиқаётган озиқ-овқатлар –

ахлоқ, маърифат ва атроф-муҳит

МУАММОСИ

маълумотларига кўра, сайёраимиз бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми чиқиндига чиқиб кетмоқда. Бунинг натижасида глобал иқтисодиёт ҳар йили бир триллион долларга яқин зарар кўрмоқда. WFP мутахассислари ресторан, дўконлар эгалари ва оддий фуқароларни ҳаддан ташқари ортиқча харидларга йўл қўймаслик ёки сақлаб қолиш мумкин бўлган овқатни ташлаб юбормасликка чақирмоқда.

Ўз навбатида, БМТ дунё бўйлаб ҳар йили 4 млрд тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва агар бу озиқ-овқат маҳсулотлар оқилона тарқатилса, сайёраимизнинг барча аҳолиси учун етарли бўлиши мумкинлигини эслатади. Яъни ишлаб чиқарилган озиқ-овқатнинг тахминан учдан бир қисми дастурхонга етиб бормасдан чиқиндиҳоналар томон йўл олмоқда.

Масалан, биргина АҚШда ҳар йили 130 млрд фунт озиқ-овқат чиқиндиларга айланади. Бу 218 млрд долларлик иқтисодий зарар дегани. Европа давлатларида ҳам ахвол шундан кам эмас – бой давлатлар аҳолиси истеъмол қилганидан кўра кўпроқ овқатни чиқиндиларга ташламоқда.

Озиқ-овқат исрофи табиий ресурсларга салбий таъсир кўрсатади: сув, ер, энергия, меҳнат – буларнинг барчаси бекорга сарфланади. Масалан, 1 килограмм гўшт етиштириш учун тахминан 15 минг литр сув талаб қилинади. Агар бу гўшт чиқиндиларга ташланса, у билан бирга сув ҳам йўқ қилинган бўлади. Бундан ташқари, чириб ётган овқат чиқиндилари метан гази чиқаради, бу эса глобал иситишни кучайтиради.

Чиқиндиларнинг асосий қисми (60 %) уй хўжаликларидан келади. Ҳар бир инсон йилига ўртача 79 кг озиқ-овқатни чиқиндига ташлар экан. 2022 йилда чиқитга чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажми 1 млрд 50 минг тоннани ташкил этган. Шунча озиқ-овқат билан бугун сайёраимизда қашшоқликдан азият чекаётган қанча инсонни қанча вақт тўйдириш мумкинлигини биласизми? Қарийб бир йил!..

Давлатлар кесимида таҳлил этилса, АҚШда йилига киши бошига ўртача 115 кг, Европада 65 кг, Россияда эса 56 кг озиқ-овқат маҳсулоти чиқиндига ташланар экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёда 800 миллионга яқин одам озиқ-овқат танқислигидан азият чекмоқда. Ҳисобот муаллифлари таъкидлаганидек, озиқ-овқат чиқиндилари жаҳон иқтисодиётига зарар етказиши ва иқлим ўзгаришига, табиий муҳитнинг ифлосланишига ва бузилишига олиб келади.

Масаланинг қизиқ томони шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларининг «ортиб қолиши» нафақат бадавлат мамлакатлар, балки ривожланаётган давлатларда ҳам кузатилаётир. Мутахассисларнинг фикрича, бу айниқса, иссиқ иқлимли мамлакатларда кўпроқ кузатишмоқда. Табиийки, бундай шароитда маҳсулотларни сақлаб туриш бироз мушкул ва янги маҳсулотларга талаб катта.

Ижтимоий жиҳатдан эса, бу парадоксал ҳолатдир: дунёда 800 миллион киши очликдан азият чекаётган бир пайтда, етарли озиқ-овқат ишлаб чиқарилса-да, унинг катта қисми исроф қилинади. Тақсимот тизимининг нотўғрилиги ва ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача бўлган занжирдаги

камчиликлар бу фожиани келтириб чиқармоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш бюроси томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган сўровлар АҚШда оч одамлар сони ортиб бораётганини кўрсатяпти. Қишлоқ хўжалиги департаменти ҳисоботида кўра, 2023 йилда 33,8 млн америкалик озиқ-овқат маҳсулотларидан етарлича фойдалана олмайди. 7 миллион хонадоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги жуда паст даражада. 13 миллиондан ортиқ бола (мамлакат болалар аҳолисининг 18,5 фоизи!) тўйиб овқатланмасликдан азият чекаётган оилаларда яшайди. Ва бу деярли барча кўрсаткичлар бўйича дунёдаги энг бой мамлакатлардан биридаги ахвол!..

Исрофнинг илдишларини таҳлил қилсак, икки асосий омил кўзга ташланади: маданий ва иқтисодий. Айрим жамиятларда овқат мўлчилиги бойлик тимсоли сифатида қаралади. Меҳмондорчиликда кўп овқат тайёрлаш одатга айланган. Реклама ва маркетинг эса инсонни керагидан ортиқча овқат сотиб олишга ундайди. Оқибатда, музлаткичлардаги овқат муддати ўтиб, чиқиндига айланади.

Ҳўш, озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрида сотиб олиш ва чиқиндига ташлаб юборишни камайитириш орқали очликдан қийналаётганларга ёрдам кўрсатиш мумкинми? Бир қарашда бу тўғри ечимдек кўринади, лекин аслида вазият бошқача. Ҳар йили тахминан 1,2 млрд тонна озиқ-овқат дўконларга етиб бормасдан исроф бўлади. Бу эса 10 миллион кўк китнинг оғирлиги билан тенг дегани. Бунга сабаб озиқ-овқат маҳсулотлари даладан йиғиштириб олиш, қайта

ишлаш ва ташиш жараёнларида маҳсулотларнинг исроф қилинишидир.

Озиқ-овқатнинг чиқиндига ташланиши нафақат ахлоқий, балки экологик муаммо ҳамдир. Чирган озиқ-овқат чиқиндилари даладар, яйловлар ва қишлоқ хўжалиги ерларини ифлослантиради. Атроф-муҳитга зарар етказиши. Атмосферага йиллик иссиқхона газлари чиқиндиларининг 8-10 фоизини ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, глобал авиация саноатидан 5 барабар кўп! Буларнинг барчаси, умуман олганда, салбий иқлим ўзгаришига сезиларли ҳисса қўшади.

БМТ ҳисоботининг асосий хулосаси шундан иборатки, исроф қилинган озиқ-овқат миқдорини камайитириш ресурсларни тежаш, атроф-муҳитга етказилган зарарни камайитириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда ҳам ҳар йили қарийб 3 млн тонна озиқ-овқат чиқиндилари ҳосил бўлади. Озиқ-овқат чиқиндиларининг ҳар бир килограмми йилига ўртача 2,5 килограмм ис газини ажратиб чиқаради. 3 млн тонна озиқ-овқат чиқиндиси зарур даражада ути-

лизация қилинмаса, атмосферага 7,5 миллион тонна иссиқхона газлари чиқаради.

Ҳўш, муаммонинг ечими нимада? Аввало, албатта тарбия ва таълим. Фарзандларимизга овқат қадрини ўқтирайлик. Мактабларда озиқ-овқат исрофи ҳақида дарслар ташкил этайлик. Қолаверса, бахт бу фақат ейишда эмас. Одамнинг қорни бир коса овқатга тўяди. Бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган дабдабазлик, хўжакўрминлик иллатлари ҳам исрофни камайитиришга йўл бермаётир. Айниқса, минг марта гапирилган тўйлар, уларнинг ёнига қўшилган узундан-узоқ тадбирлар ҳам бу муаммони фақат қийинлаштирмоқда.

Иккинчидан, инфратузилмани яхшилаш керак: махсус омборлар, тўғри логистика, кам таъминланганларга етказиб бериш тизими. Шунингдек, балки махсус иловалар орқали ресторан ва дўконларда қолган овқатни арзон нархда таклиф қилиш амалиётини кенгайтириш мумкин. Энг биринчи ўринда эса ушбу чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи зудлик билан ҳал этилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат исрофи – бу ахлоқ, маърифат ва масъулият муаммосидир. Унга қарши курашиш – инсоннинг инсонийлик бурчи. Ҳар бир луқма – кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Болалигимда бувим ноннинг ушоғи ҳам нон, исроф қилма, нимани қилсанг хор, ўшанга бўласан зор, дер эди. Эртага бугун хор қилган неъматларимизга зор бўлиб қолмаслик учун ҳам эсимиз борида этагимизни йиғиштириш керак.

Саида ИБОДИНОВА



Ферузбек
САЙФУЛЛАЕВ,
Ёшлар парламенти
аъзоси:

» – Ёшлар парламенти – бу нафақат ёш авлоднинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминловчи муҳим платформа, балки ҳар бир фидоий, ташаббускор ва ватансевар ёш учун ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имкониятдир.

Куни кеча Ёшлар парламентининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу – ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ёшларнинг қадам қўяётганини, уларга ишонч ва масъулият юклатилаётганини англатувчи тарихий воқеа бўлди, дейиш мумкин. Парламент минбаридан ёшлар овозининг янграши – миллат келажagini ўз қўли билан қуришни хоҳлаётган янги авлоднинг йўл харитасидир.



» O'zbekistonda so'nggi 8 yilda
**elektr energiyasi ishlab chiqarish
hajmi 38 foizga oshdi.**

IQLIM

Темир дарахт

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА

Қорамон – садақайрағочлар туркумига кирувчи кўп йиллик дарахт саналади. Беш юз йилдан ортиқ умр кўрувчи бу ноёб табиат тухфасини қадимда темир дарахт сифатида эътироф қилишган.



Қуйи Амударё минтақасида садақайрағочни гужум деб аташади. Қорамон ана шу гужум дарахтига ўхшаб кетса-да, бироқ ундан бирмунча фарқ қилади. Гужумнинг шохлари бир-бирига яқин, оч яшил япроқлари кичик ва кўп бўлса, қорамоннинг шохлари сийракроқ, япроқлари ворага мойил – тўқ яшил ва қалин бўлади. Шунингдек, у тик ва тўғри ўсувчи дарахт бўлгани учун ҳам гужумларни унга пайванд қилишган. Тут каби қорамон ҳам захга ва бошқа ташқи таъсирларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Ўтмишдан ҳар бир оила янги иморат тиклаганида албатта ҳовлисига икки-уч туп қорамон экишган. Бунинг асосий сабаби шундаки, унинг ёғочи етилганида жуда қаттиқ бўлиб, ундан сандик, устун, арава ғилдирағи, кўприк, мой-жувоз, эшик-дарвоза каби зарур жиҳозларни ясашган. Қадимий қалъаларнинг ҳашаматли дарвозалари асосан қорамон дарахти ёғочидан ясалган бўлиб, душман ҳужумига бардошли саналган: синмаган, ёнмаган.

Манбалардан маълумки, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон – Феруз Моноқ беклигига Нуржон ботир деган воҳага таниқли шахсни ҳоким қилиб тайинлагач, катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Нуржон ботир Моноқда катта ҳовуз қаздириб, унинг атрофига қатор-қатор қорамон дарахтини эктиради. Ана шу сервикор дарахтлар ўтган асрнинг охиригача кўр тўкиб тургани кўпчиликнинг эсида бўлса керак. Чунки Шовот туманидаги муҳим йиғилишлар ана шу савлатли қорамонзор соясида ўтказилар эди.

Қорамон дарахти худди терак каби баланд ва тик ўсгани боис ундан катта-катта кўприкларга устун ясаганлар. Ҳатто вилоятнинг улкан сув тармоғи саналган Полвон канали узра 1950 йилларда қурилган кўприкларнинг устунлари ана шу қорамон дарахтидан тикланган эди. Бу устунлар яқин йилларгача бетон кўприклар қурилгунча ҳам чўққайиб турганини эслаймиз.

Шунингдек, Хива шахридан Шовот канали орқали Катқалъа ҳудудига ўтиш учун қурилган кўприк устунлари ҳам қорамондан тиклангани тарихдан маълум. Буни 1873 йил 25 майда генерал Верёвкин кўшинларининг Хива истигилоси пайтида ана шу кўприкдан ўтиб бораётгани акс этган суратлар ҳам тасдиқлаб турибди. Кўприкларга қорамондан устун ясалашининг сабаби шуки, қорамон дарахти оловда ёниши қанчалик қийин бўлгани каби сувда чириши ҳам айнан шундай – намга ўта чидамлидир.

Шовот тумани Бўйрачи қишлоғида яшовчи 98 ёшли Ражаббой ота Худойберганов яқин ўтмишда мойжувознинг ўқи асосан қорамон ёғочидан ясалганини айтади. Бу ўқ қанчалик қаттиқ ва оғир бўлса, ёғ

ишлаб чиқариш шунчалик осон кечган экан. Отанинг айтишича, унинг ота-боболаридан қолган қорамондан ясалган нақшинкор устун ҳозир ҳам чиримасдан асл ҳолида сақланади. Бу устунни унинг фарзандлари янги иморатининг айвонига тўртинчи бор қайта тиклашибди. Салкам 200 йиллик тарихга эга бу устун ҳозир ҳам кўр тўкиб турибди.

Ўзбекистон Экологик партияси Шовот тумани кенгаши раиси Матсафо Тожиёв шундай дейди:

– Азалдан Хоразмда Қорамон, Қорамонзор деган овул ва қишлоқлар жуда кўп бўлган. Ҳозир Урганч туманида шу номдаги қишлоқ сақланиб қолган. Замонавий уйсозлик ривожланиши натижасида қорамон дарахтидан зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришга эътибор камаёя бошлади. Эшик ва деразалар ҳам қаттиқ металл ва пластик маҳсулотлардан ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса табиий мувозанат барқарорлигига хавф солиши мумкин.

Дарҳақиқат, қаттиқликда тут, ёнғоқ ва қайрағочдан ҳам ўн барабар кучли қорамон – темир дарахт йил сайин камайиб бормоқда. Уни экиб, кўпайтириш борасида бош қотирадиган жонкуяр миришкорлар ҳам қолмади ҳисоб. Кўпчилик тезроқ даромадни буромад қилиш хаёлида бўлаётгани кундек равшан. Дурадгор-у уй-созларни эса секин ўсадиган ёғочбоп дарахтлар қизиқтирмай қўйди. Ана шундай аянчли вазиятда қорамонни сақлаб қолиш, уни экиб кўпайтириш борасида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур. Бу ҳақда табиатни асрашга масъул ташкилотлар бIRON бир чора-тадбир қўллайдилар, деган умиддамиз.

Эрпўлат БАХТ,
«Oila va tabiat» мубири



– Барқарор ривожланиш

мақсадлари ҳақида гапирганда, таълим, гендер тенглик ва иқтисодий ўсиш сингари соҳаларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Ёшлар парламентидаги иштироким давомиди мен, биринчи навбатда, ёшларга муносиб иш ўринлари яратиш ва уларнинг касбий ривожланишига эътибор қаратяпман. Технологиялар, инновациялар ёшлар учун имкониятлар эшигини очмоқда, лекин тенг имкониятлар бўлмаса, бу имкониятлар барчага етмайди.

Шунинг учун парламентида ёшлар орасидаги тенгсизликни камайитириш ва гендер тенгликни таъминлаш ҳақида кўпроқ сўзлашмоқдамиз. Биз ишонамизки, ёшларнинг самимий ва амалий ташаббуслари мамлакатимизнинг барқарор ва муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Нурислон
ҚУРБОНОВ,
Ёшлар парламенти
аъзоси:

Ер аҳолисининг энг бадавлат
10 фоизи глобал исишнинг

66 фоизи учун асосий сабабчи

Халқаро олимлар жамоаси иқлим инқирози – бу шунчаки глобал чиқинди-лар оқибати эмас, балки маълум бир шахсларнинг аниқ қарорлари натижаси эканини аниқлади. Ер аҳолисининг энг бадавлат 10 фоизи 1990 йилдан буён кузатилаётган глобал исишнинг 66 фоизи учун масъул бўлиб чиқди. Бу эса ўта хавфли иссиқлик тўлқинлари ва тропик ҳудудлардаги қурғоқчиликларга ўхшаш кескин об-ҳаво ҳодисалари тез-тез кузатилишига олиб келган. Тадқиқотчилар иши Nature Climate Change журналида чоп этилди.

Айниқса, бу борада ниҳоятда бойлар, яъни Ер аҳолисининг 1 фоизи – алоҳида ажралиб туради. Уларнинг ҳаракатлари экстремал иссиқлик тўлқинларининг (илгари юз йилда бир марта рўй берадиган) юзага келишига дунё бўйича ўртача кўрсаткичга қараганда 26 баробар кўпроқ ҳисса қўшган. Уларнинг Амазонкадаги қурғоқчиликларга қўшган «ҳисса»си эса глобал ўртача кўрсаткичдан 17 баробар юқори.

«Бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, экстремал иқлим ҳодисаларини нафақат мавҳум чиқиндилар билан, балки яшаш тарзи ва инвестиция қарорлари билан ҳам боғлаш мумкин – бу эса ўз навбатида, бойлик даражасига боғлиқ», – дейди тадқиқот муаллифи Сара Шонгарт. Олимлар иқтисодий маълумотлар ва иқлимий моделлаштиришни бирлаштирган инновацион модел ёрдамида айнан қайси ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар маълум иқлимий фалокатлар учун асосан жавобгар эканини аниқлаган. Масалан, фақат АҚШ ва Хитойдаги энг бой 10 фоиз аҳолининг ўзи заиф ҳудудларда экстремал ҳароратларнинг икки ва ҳатто уч баробар ортишига сабаб бўлган.

«Агар ҳамма Ер юзидаги энг камбағал 50 фоиз одамлар каби кам чиқинди чиқарганида, 1990 йилдан буён кузатилаётган глобал исиш деярли сезилмас эди», дейди тадқиқот ҳаммуаллифи Карл-Фридрих Шлесснер.

Тадқиқотда қайд этилишича, фақат дабдабали ҳаёт тарзи учун сарфланаётган харажатлар эмас, балки бой инсонларнинг инвестициялари ҳам хавфли. Карбонат чиқиндилари юқори бўлган соҳаларга йўналтирилган молиявий оқимлар иқлимга жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, олимлар сайёрадаги энг бой одамлар учун прогрессив иқлим солиқлари ва аниқ жавобгарлик механизмларини жорий этишни талаб қилмоқда.

Интернет маълумотлари
асосида тайёрланди.



... ana shunaqa gaplar

Олам ва одам

Озиқ-овқатдаги пластик
микрозарраларруҳий
касалликларни қўзғатади

Маҳсулотлар таркибидаги пластик микрозарралар ва руҳий саломатлик ўртасидаги боғлиқлик бир қанча илмий ишларда исботланган. Brain Medicine журналида чоп этилган тадқиқотда қайта ишланган шакари кўп, тўйинган ёғ ва натрийли маҳсулотларга эътибор қаратилди. Мисол учун, ширин ва газли ичимликлар, чипс шаклидаги газаклар, шириликлар, яримтайёр маҳсулотлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Тадқиқотчилар товуқли наггетсларни мисол сифатида

келтиради – табиий товуқ филесига қараганда бир грамм наггетсда 30 барабар кўп пластик микрозарра мавжуд.

Оттава университети психиатрия клиникаси шифокори Николас Фабиано шундай дейди: «Барчамизни ташвишга солиши керак бўлган далиллар тобора кўпайиб бормоқда. АҚШ каби мамлакатларда ҳозирги вақтда юқори даражада қайта ишланган маҳсулотлар истеъмол қилинади. Кунлик рационнинг 50 фоиздан

кўпрогини қайта ишланган, пластик микрозарралар мавжуд бўлган маҳсулотлар ташкил этади».

Шунингдек, у тадқиқотнинг ачинарли натижаларини эслатиб ўтди: «Бу зарралар гематозенсепалик тўсиқ (мияни қон оқимидан ажратиб турадиган мембрана) орқали ўтиб, хавфли миқдорда тўпланиши мумкин».



» – Мен учун барқарор ривожланишнинг асосий пойдевори – тинчлик ва адолатдир. Ёшлар парламентида иштирок этиш орқали жамиятдаги экологик ва ижтимоий адолат масалаларига эътибор қаратишга ҳаракат қиламан. Юртимизда табиат ёмон ҳолатга тушиб бормоқда: дарахтлар кесиляпти, сув, ҳаво, тупроқ ифлосланмоқда. Мен парламентда ёшлар сўзи сифатида табиатни сақлаш, экотуризмни ривожлантириш ва ёшлар ўртасида экология бўйича маърифий ишлар ташкил этишга урғу бериш тарафдориман. Шунингдек, тенглик ва тинчликни таъминлаш учун ёшлар сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши зарур.

Табиатнинг етти
мўъжизаси

Табиатнинг етти мўъжизаси – бу дунё бўйлаб табиатнинг ажабланарли ва гўзал, ўзига хос жойлари, ландшафтлари ва феноменлари бўлиб, улар инсоният томонидан энг ажойиб ва таъсирли табиий ёдгорликлар сифатида тан олинган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос геологик, экологик ва эстетик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу рўйхат ҳар хил минтақалардан, турли иқлим шароитлари ва экотизимлардан ўрин олган ажойиб жойларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос экологик ва географик аҳамиятга эга.

Гранд Канён (АҚШ) – Колорадо дарёси томонидан шаклланган улкан дарахтларнинг табиий ёдгорлиги бўлиб, у Американинг энг машҳур табиат мўъжизаларидан биридир. Бу катта ва чуқур канён 446 км узунликка эга бўлиб, ўртача 16 км кенгликда ва 1,6 км чуқурликда. Канённинг деворлари ранг-баранг қатламларга эга бўлиб, миллионлаб йиллар давомида эрозия натижасида шаклланган. У нафақат геологик жиҳатдан муҳим, балки ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Грате Барриер Рееф (Австралия) – дунёнинг энг катта ва энг бой риф (маржон тош ва қоялар) тизими бўлган ушбу маскан Австралиyaning шарқий қирғоғида жойлашган. Бу 2 300 км узунликдаги риф денгизнинг турли экотизимларини ўз ичига

олади ва ҳудудида 4000 дан ортиқ ороллар мавжуд. Унинг биологик хилма-хиллиги жуда бой: минглаб турдаги балиқлар, ўсимликлар, кемирувчилар ва денгиз ҳайвонлари яшайди. Унинг ўзига хослиги, нафақат табиий гўзаллиги, балки дунёдаги энг катта ҳаёти структура сифатида ҳам танилган.

Амазонка ўрмони (Жанубий Америка) – дунёдаги энг катта тропик ўрмон бўлиб, у Жанубий Американинг марказий ва шимолий қисмларини эгаллаган. Ўрмоннинг умумий майдони 5,5 млн квадрат километрга тенг бўлиб, бу дунё атмосферасидаги кислороднинг катта қисmini ишлаб чиқаради. Амазонка ўрмонининг бой биохилма-хиллиги дунёнинг турли хил экотизимларига хизмат қилади. Бу ерда 10 миллиондан ортиқ турдаги ўсимликлар ва ҳайвонлар яшайди. Ўрмон, шунингдек, глобал иқлим тизими учун жуда муҳимдир, чунки у карбонат ангидридни ютади ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда муҳим роль ўйнайди.

Бора бора (Франция Полинезияси) – маржон

ороли Тинч океанида ҳудудида жойлашган. Ушбу тропик орол ўзининг ажойиб оқ кумли пляжлари, кристалл тоза сувлар ва ранг-баранг балиқ ва маржон рифлари билан машҳур. Бу орол мўъжизавий табиати, бетақорор гўзаллиги билан дунё бўйлаб сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тартади. Оролнинг юлдузли осмони, денгиздаги ранг-баранг ҳайвонот дунёси ва гўзал ландшафтлари барчани мафтун этади.

Эверест чўққиси (Ҳимолай тоғлари, Непал) – дунёнинг энг баланд нуқтаси. У 8 848 метр баландликка эга бўлиб, Непал ва Хитойнинг чегарасида жойлашган. Эверестнинг юқори чўққиси бутун дунё бўйлаб альпинистлар учун энг қийин ва энг машҳур ҳудуд. Бу тоғ ўзининг улғуворлиги билан табиатнинг ҳайратланарли гўзаллигини намоён этади.

Виктория шаршараси (Замбия ва Зимбабве) – дунёдаги энг катта шаршаралардан бири ҳисобланади. Шаршара 1,7 км кенгликка эга ва 108 метрдан пастга тўкилиб, улкан сув пардасини ҳосил қилади. Шаршаранинг кучли оқими кўп йиллар давомида ўзига хос геологик хусусиятлар ва турли ҳайвонот ва ўсимликлар турмуш тарзига замин яратган.

Кекова ўрмони (Туркия) – ўзининг мовий тусдаги сувлари ва қадимий тарихий жойлари билан машҳурдир. Кекова оролининг атрофида ноёб тарихий обидалар мавжуд, улар қадимги юнон ва рим даврига оид. Кекова ўрмони табиат ва тарихнинг уйғунлашган мўъжизаси сифатида ажралиб туради.

Адамбой МАШАРИПОВ,
УрДУ доценти, ЎЭП фаоли

Реклама

100 million soʻmgacha kredit karta

Хорижда ham foydalaning!

Хизматлар лицензияланган



Aloqa markazi:

1216

Batafsil:

@agrobankuz_bot

Oila va
TABIAT
Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta

Ўзбекистон
Экологик партияси Марказий
Кенгаши наشري



Тахрир хайъати:
Абдушукр ҲАМЗАЕВ
Азиз АБДУҲАКИМОВ
Рустам МАМАТҚУЛОВ
Хайрулло ГАППОРОВ
Нарзулло ОБЛОМУРДОВ
Зиновье НОВИЦКИЙ

Бош муҳаррир:
Хусниддин БЕРДИЕВ
Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000.
Амир Темур 1-тор кўчаси,
2-уй.
Тел/факс: 71 234-83-45.
E-mail: info@od-press.uz

Газета 2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида қайта рўйхатдан ўтказилган. Ғувоҳнома рақами: № 0814.

Муассис: «Оила ва табиат» газетаси» МЧЖ «Kolorpak» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1а-уй.

Буюртма: 1509
ISSN 2181-6190
Обуна индекси – 193
Адади: 5831 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6

